O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2001 йил, 18 январь, пайшанба № 8 (1428).

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 18 января 2001 г. № 8 (1428).

Газета издается с 24 июня 1992 г.

● В розницу — цена свободная.

## ЙИГИРМА БИР ТИЛДА ЎҚИТИЛАЁТГАН ДАРСЛИК

Ўтган йил баҳорда Қори Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, педагогика фанлари доктори, профессор Даврон Шодиев Беларус Республикасидан хат олди. Унда шундай дейилган эди:

«Ҳурматли Даврон Шодиевич!

Сизнинг 10-синфлар учун «Физика» дарслигингиз Беларус Республикаси умумтаълим мактабларининг 1999/2000 ўқув йили учун белгиланган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари рўйхатига киритилди. 10-синфлар учун «Физика» дарслигингизни «Народная асвета» («Халқ маорифи») нашриётида чоп этишга ижозат беришингизни сўраймиз.

Эҳтиром билан

**Директор И. Н. Лаптенок».**

Бу хатни бекорга батафсил келтираётганимиз йўқ, албатта. Ўзбек олимлари тузган дарсликлардан дунёнинг кўплаб мамлакатларида асосий ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланиб келинаётгани қувончли ҳол. Хусусан, Николай Шахмаев билан Даврон Шодиев ҳамкорликда тузган 7—11 синфларнинг «Физика» дарслигидан ҳозир ўн олти мамлакатда, йигирма бир тилда болаларга физикадан сабоқ берилмоқда.

Дунё фанидан ўзининг физика ва умуман таълим соҳасидаги ютуқлари билан ўзига хос ўрин тутадиган Россия Федерациясида эса 2000 йил учун ўқув дастурлари сирасида Н. Шахмаев ва Д. Шодиевлар томонидан тузилган «Физика» фанидан 7—11 синфлар учун ўқув дастури» асосий дастур сифатида танлаб олинди ва кенг амалиёт учун тавсия этилди. Янги дастурнинг ҳам ўрта мактаблар, ҳам касб-ҳунар тизимидаги ўрта-махсус таълим муассасаларига мўлжаллаб тузилгани россиялик педагоглар диққатини тортди. Улар буни жуда катта янгилик сифатида баҳоламоқдалар.

— Дастуримизнинг назарий асосида Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган ва узоқни кўзлаб тузилган Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур ғоялари турибди, — дейди Даврон Шодиев. — Ҳамдўстликнинг бошқа давлатларида таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлиги, таълим жараёнини босқичма-босқич ташкил этиш масалаларига эндигина тузукроқ эътибор қаратилмоқда. Албатта, мен олим сифатида ўз дарслигимнинг хорижда қўлланаётганидан қувонаман. Лекин бу қувончни мамлакатимизнинг таълим соҳасидаги тажрибасини бошқа давлатлар тан олгани ва ўзларида ҳам жорий этишни бошлаганидан туйган ғурур ва ифтихорим билан асло солиштириб бўлмайди.

Замонавий тараққиёт ва ишлаб чиқаришнинг тобора мураккаблашиб бориш жараёни физика фани асосларини мактабларда чуқур ўргатиш масаласини кун тартибига қўймоқда. Айни чоғда, дарсликларнинг ҳаддан ташқари мураккаблашиб кетиши таълим жараёнига фойда эмас, фақат зиён келтиради. Даврон Шодиев ёзган дарслик ва у тузган дастурда шу муаммонинг оқилона ҳал этилгани, дарс ҳажмини оширмасдан физикавий қонуниятлар моҳиятини ўқувчиларга лўнда ва ғоят теран етказишнинг методологик усуллари тавсия этилгани педагогика илмининг ютуғи сифатида баҳоланмоқда.

Янги дарслик ва дастурда назарий муаммолардан кўра, тажриба ва ҳаётий мисоллар асосида ўтказиладиган амалиётга кўпроқ эътибор берилган. Дарс материаллари ҳажман қисқа, айни чоғда ўқувчининг ёши ва қизиқишларига мослаб тузилган. Ўқувчиларнинг қонун-қоидаларни юзаки ёдлашига эмас, балки мустақил фикрлашига кенг йўл очадиган этиб баён қилинган. Булар дарслик ва дастурдан мактабларда фойдаланишни осонлаштиради, дарслар ҳам ўқувчи, ҳам ўқитувчи учун бирдай қизиқарли бўлишини таъминлайди. Чунки у Николай Шахмаевнинг 55 йиллик, Даврон Шодиевнинг 35 йиллик педагогик тажрибасига асосланган.

Россия Федерацияси Маориф вазирлиги қошидаги ўрта умумтаълим департаменти ушбу ўқув қўлланмасига қуйидагича хулоса берди: «Физика бўйича билим олишга эҳтиёж тобора ортиб бораётгани ушбу фандан мактабларда янада чуқурроқ таълим бериш заруратини келтириб чиқармоқда. Мазкур дарслик ва дастур ана шу талабларни қондиришда мактабни битирувчиларга физика фанидан дастлабки билим ва кўникмалар бера олади».

— Бу дарсликларнинг концепциясини саксонинчи йилларда устозим Николай Шахмаев билан ҳамкорликда тузганмиз. У киши 1986 йили оламдан ўтган бўлсалар ҳам, янгиланган дарслик ва дастурларимиз муқовасидан ҳанузгача тушгани йўқ. Устоз хотирасининг ҳурмати учун шу кунгача чиқарилган барча дарсликларимизда у кишини ҳаммуаллиф сифатида кўрсатиб келмоқдаман,— дейди Даврон ака.— Дарслик тузиш борасидаги ишларим Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур ҳамда «Таълим тўғрисида»ги қонун қабул этилгандан кейин бутунлай янгича маъно ва мазмун касб этди. Уларнинг содда ва равон тилда ёзилишига, мазмунан теранлашувига алоҳида эътибор қаратдим. Энг муҳими, уларда ал-Беруний, ал-Хоразмий, ал-Фаробий сингари аждодларимизнинг таълимотларини ўқувчига тушунарли тарзда ифодалаб беришга интилдим.

Суҳбатимиз давомида Даврон ака таълим жараёнини улкан бир дарахтга менгзадилар. Бу дарахтнинг илдизлари қанчалик бақувват бўлса, шохлари шунчалик кўкка бўй чўзади, унинг соясидан баҳраманд бўладиганлар сони ҳам ошади. Бугун шу дарахтнинг соя-си-ю мевасидан ўзга юртлар фарзандлари ҳам баҳраманд бўлмоқда.

**М. НАМОЗ,**
**ЎзА мухбири.**

## АДИБ ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

Самарқандда Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 125 йиллиги муносиб нишонланмоқда. Шу муносабат билан вилоят педагогларининг малакасини ошириш институтига у зотнинг номи берилди. Институтда ўтказилган илмий анжуманда иштирок этган адабиётшунослар Маҳмудхўжа Беҳбудий ижодини ўрганиш борасидаги янги тадқиқотлар, адибнинг илмий ва публицистик меросининг бугунги аҳамияти хусусида фикр юритдилар.

Ҳамид Олимжон номидаги вилоят мусиқа ва драма театрида ўтказилган адабий кечада эса Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг драматик асарларидан кўринишлар намойиш этилди.

**У. РЎЗИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ЭНГ ИҚТИДОРЛИЛАР ТАЙВАНГА БОРАДИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Халқ таълими вазирлиги Республика ўрта махсус касб-ҳунар таълим маркази билан ҳамкорликда физика бўйича ўтказган танловда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ўрта мактабларда таҳсил олаётган 9—11-синф ўқувчилари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабаларидан 91 нафари иштирок этди. Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, турли мураккабликдаги масалалар ечимини тез ва аниқ ҳал эта олган юксак иқтидорли ва чуқур билимли ўн нафар ўқувчи ғолиб деб топилди. Улар шу йилнинг 23 апрелидан 1 майига қадар Тайваннинг Тайбей шаҳрида бўлиб ўтадиган физика бўйича иккинчи Осиё олимпиадасида иштирок этиш имкониятига эга бўлди.

**(ЎзА).**

● СЕНИНГ ЎҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН !



**Қуролли Кучларимизнинг 9 йиллик байрамини жанговар ютуқлар билан қаршилаган посбонлардан бири оддий аскар Бахтиёр Ашуровдир. Бахтиёр асли самарқандлик, ҳайдовчи вазифасида хизмат қилаяпти. Нияти шартнома бўйича хизматга қолиб, етук ҳарбий бўлиш.**

**Н. ЮСУПОВ** суратга олган.

## КОМАНДИРЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИ ЁРДАМЧИСИ

Махсус бўлинма жангчилари билан парашютда сакраш машқи ўтказилмоқда. Салонда икки қатор бўлиб ўтирган аскарларнинг юзида жиддийлик ва шайлик аломати. Жимликни фақат самолёт моторининг ғувиллашигина бузади. Машғулот раҳбари белгиланган нуқтага етиб келинганлигини маълум қилди ва сакрашга тайёргарлик кўриш ҳақида кўрсатма берди. Мана, люк ҳам очилди. Аскарлар қатъий тартибда бирин-кетин сакрай бошладилар. Бу машқни илк бор бажараётган Эргашали очиқ люк олдида иккилангандек бир зум тўхтади. Кўзи унга ишонч ва синов назари билан боқиб турган командирига тушди. Офицер далда билан бош ирғади ва Эргашали ҳам сафдошлари изидан очиқ ҳавога шўнғиди. Парашют гумбази очилганидан сўнг ўзини ўнглаб олди. Атрофга, пастга қаради: оппоқ гумбазларини ҳилпиратиб ўртоқлари тушиб боришмоқда. У ҳам назарий машғулотларда ўргатилган усулларни қўллаб, белгиланган нуқтадан четлашиб кетмасликка ҳаракат қила бошлади...

— Очиғини айтсам, ўша пайтда анча чўчигандим, турли хаёлларга боргандим,— дейди бугунги кунда кичик сержант Э. Ўринбоев. — Парашютим гумбази очилганидан сўнг ўзимни босиб олдим. Лекин ерга тушгунча соатлаб йўл кечгандек бўлдим. Бу мен учун жуда катта синов бўлди. Кўп нарсани хаёлимдан ўтказдим. Ҳарбий хизматгача «Ватан» сўзини ҳам қандайдир соддароқ тушунар эканмиз, шекилли. Парашютда тушиб келар эканман, ястаниб ётган бепоён далалар, тоғлар менинг жонажон Ватаним эканлигини ўйладим. Худди тирик жондек, бир қарич ерида тинчлик бузилса, чекка-чекка ўлкаларида ҳам оғриқ сезилишини, ҳар

**(Давоми 2-бетда).**

## ШОИРЛАР ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНДИ

Қўқонда Муҳаммад Аминхўжа Муқимийнинг 150 йиллиги ва Асқарали Чархий таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланди. Тантаналарда иштирок этган шоир ва ёзувчилар, журналистлар, шаҳар жамоатчилиги вакиллари Муқимий ҳужраси ҳамда Чархийнинг уй-музейида бўлиб, уларнинг китоб ва қўлёзмалари, ижодий меросининг талқинлари билан танишди.

Икки шоир таваллудининг бир вақтда нишонланиши бежиз эмас. Муқимий ижоди ўзбек адабиётининг гўзал бир саҳифаси бўлиб, унинг кенг тарғиб этилишида Чархий домланинг хизмати беқиёс бўлган. Қолаверса, Чархий ўз ижоди билан мумтоз адабиётимизнинг энг гўзал ва ўлмас анъаналарини замонавий адабиётимизга олиб ўтган қалам соҳибларидан бири сифатида ҳам қадрлидир. Тантана қатнашчилари шаҳар марказидаги шоирлар хиёбонини зиёрат қилиб, қўқонлик шоир ва ёзувчилар ҳайкаллари пойига гулдасталар қўйди. Ҳамза номидаги театр биносида эса бу икки шоир ижодининг бугунги аҳамияти, қадр-қиммати ҳақида фикрлар айтилди, ғазаллар ўқилди, мухлисларга ажойиб концерт дастури ҳавола этилди.

**Р. КАМОЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

● ФУТБОЛ

## НА ТУРНИРЕ «МИЛЛЕНИУМ»

В Индии проходит международный турнир «Миллениум». Наша команда, в составе которой выступают игроки будущей олимпийской команды, в первом матче групповых соревнований встречалась с представителями Японии. Более сыгранные японские футболисты забили в каждом тайме по мячу и выиграли со счетом 2:0. Затем узбекистанцы поспорили с командой Бахрейна, разгромив ее с перевесом 5:0. По два мяча забили Ойбек Усманходжаев и Баходыр Аннаматов, один гол в активе Алексея Жданова.

## КТО ЖЕ ЛУЧШИЙ?

Международная федерация футбола опубликовала рейтинговый лист за декабрь минувшего года. Первое—третье места традиционно занимают сборные Бразилии, Франции и Аргентины. Наша команда, после неудачного выступления в Ливане на XII чемпионате Азии, переместилась с 55-й позиции на 71-ю позицию. Однако, среди представителей стран Содружества это далеко не худший показатель. Всего членами ФИФА являются 203 государства.

## ИРИСМЕТОВ ПОМОГ «СПАРТАКУ»

В плане подготовки к отборочным соревнованиям чемпионата мира национальная сборная Узбекистана сыграла в Израиле товарищеский матч с московским «Спартаком», который проводит в этой стране предсезонные сборы. Наши футболисты уступили восьмикратному чемпиону России со счетом 2:3. В составе узбекистанцев отличились Анвар Салиев и Мухтар Курбанов. У «Спартака» один гол забил Джафар Ирисметов. Он сейчас находится среди спартаковцев на просмотре.

**Л. ШАЙБАЗЯН.**

● ТЕЛЕАНОНС

## «ВАТАНИМГА ХИЗМАТ КИЛАМАН»

28 января в 10 часов по первому каналу Узбекского телевидения смотрите очередную военно-патриотическую передачу «Ватанимга хизмат киламан», подготовленную Военной студией Министерства обороны Республики Узбекистан.

В этом выпуске авторы передачи подготовят репортаж о ратной службе воинов-узбекистанцев.

Военные журналисты расскажут о процессе боевой учебы солдат и сержантов в ходе зимнего периода обучения.

Повтор этого выпуска смотрите во вторник, 30 января, в 17.00.

**Наш корр.**

### ОТВЕТЫ, НА КРОССВОРД, ОПУБЛИКОВАННЫЙ В № 5

**ПО ГОРИЗОНТАЛИ:** 1. Кирасир. 5. Рента. 8. Вагон. 9. Накидка. 10. Работница. 12. Воз. 13. Демарш. 14. Капрал. 17. Ара. 18. Абонемент. 20. Ондатра. 21. Искра. 23. Арка. 24. Автомат.

**ПО ВЕРТИКАЛИ:** 1. Кивер. 2. Рог. 3. Санитар. 4. Ранжир. 5. Рикша. 6. Недоверие. 7. Аванзал. 11. Бомбардир. 13. Дракон. 15. Аметист. 16. Богара. 18. Астма. 19. Тракт. 22. Ком.

## КРОССВОРД



**ПО ГОРИЗОНТАЛИ:** 1. Рыба. 3. Месяц года. 7. Величина, характеризующая отражательную способность любой поверхности. 10. Сотрудник сыскной службы. 11. Травянистое растение семейства норичниковых. 12. Занятие какой-либо областью науки без спец. подготовки. 15. «Клеймо», на золоте. 17. Дополнительное вознаграждение, премия. 18. Религиозная мусульманская школа. 19. Небольшая рыба отряда окунеобразных. 20. Благоухание.

**ПО ВЕРТИКАЛИ:** 1. В балете — группа движений классического танца. 2. Каменная соль. 4. Спиртной напиток. 5. Одаренность. 6. Непонятный набор слов. 8. Юридическое или физическое лицо, имеющее задолженность данному предприятию. 9. Штат США. 13. Окантовка для стекол очков. 14. Точка зрения, с которой рассматривается предмет. 16. Другое название манежа. 17. Темно-коричневая акварельная краска.

**Составила**
**А. ХОДЖИХАНОВА.**

# ИНДИЙСКИЙ ГОРОСКОП

**КОЗЕРОГ** может быть доволен — его финансовое положение будет как никогда стабильным. Его ждет успех в выработке стратегии на довольно продолжительное время. Все у него будет получаться и на семейном фронте. Здесь, правда, придется проявить чуточку больше внимания, чем обычно.

**ВОДОЛЕЮ** ничего не останется как подчиниться воле другого. Надежды на финансовый выигрыш окажутся пустыми. Бесполезной работой и даже бессмысленной будет наполнена вся неделя. Самому выход из этого положения найти не удастся. Вовремя поданный совет или рекомендация — станут спасением. Спасителем может оказаться кто-то из близких.

**РЫБЫ** предпочтут, как обычно, строить жизнь на основе понимания некоторых ценностей как непреходящих. Эта последовательность получит должное признание со стороны руководства и в семье. Возможно восстановление некогда нарушенных хороших личных отношений. Четверг — лучший день для демонстрации щедрости.

Перед **ОВНОМ** встанет дилемма: нуждается ли его профессиональная жизнь в радикальной перемене. Будьте осторожны — звезды расположены неблагоприятно для реализации ваших замыслов. Лучше предайтесь отдыху или развлечениям.

**ТЕЛЬЦЫ** чем больше будут советоваться, тем больше будет сумятицы в их головах. Проблема в том, что ни они сами, ни их друзья или близкие не знают правильного ответа на вопрос. Звезды рекомендуют обратиться к постороннему. Но и в этом случае не надо спешить с реализацией совета.

**БЛИЗНЕЦОВ** ждут хорошие дни для возобновления старых знакомств. Если к ним подойти с юмором и легким сердцем, то можно неожиданно получить много полезного — повышение по службе, денежную прибавку, романтическое приключение, приглашение в путешествие.

Для **РАКА** откроется новая страница в личной жизни. Родные взглянут на него новыми глазами и многое оценят в нем по иному. Перестанут оппонировать, а согласятся и вознаградят добрым отношением. Без труда заметно улучшится также положение на службе или в бизнесе.

**ЛЬВЫ** с их Солнцем в зените могут нисколько не сомневаться: все, что задумано, получится, все, о чем мечталось, сбудется. Даже в любовных отношениях наступит период яркого расцвета. Не отвергайте приглашений, особенно в воскресенье.

**ДЕВЕ**, задумавшей большие перемены в профессиональной деятельности или личной жизни, следует знать, что ее ожидают трудности. Риску подвергнутся здоровье, деньги, расположение друзей. Такт и терпение—пути преодоления преград. Вспомните о старших родственниках и уделите им внимание.

**ВЕСЫ**, посчитав достигнутыми некие цели, встретятся со старыми проблемами. Понадобится решительность или даже смелость для того, чтобы развязать наконец узлы. Правильное решение придет в тот момент, когда его не ждешь. Толчком может стать встреча, воспоминание или ненароком услышанный разговор.

**СКОРПИОНУ** звезды советуют удариться в развлечения, мотовство и безделье. Но только в первую половину недели. С четверга следует заняться вплотную делами и хорошенько поработать мозгами. Отдача будет сверх всякого ожидания.

**СТРЕЛЬЦОВ** ждет приятная во всех отношениях неделя. Спокойный ритм в делах, теплота в домашней обстановке, неожиданно выгодный оборот считавшейся проигранной сделки. Более того, известность и слава ждет родившихся под этим знаком Зодиака.

**Турфа олам**

## ДЎППОСЛАГАНИ УЧУН

София шаҳрида нашр этиладиган йирик газеталарнинг бош муҳаррирлари Болгария адлия вазири Теодосия Симеоновнинг истеъфо беришини талаб қилмоқда. Салга жаҳли чиқиб кетадиган адлия вазири гувоҳлар олдида «Сега» газетаси фотомухбирини дўппослаган эди.

## МАҲБУСЛАРГА МУКОФОТ

Буюк Британия қироличасининг турмуш ўртоғи ҳамда Жанубий Африка республикасининг собиқ президенти Нелсон Мандела Кейптаун яқинидаги қамоқхонага ташриф буюриб, маҳбусларга «шахсий муваффақиятлари учун» мукофотини топширишди. Нелсон Мандела маҳбусларга ўзидан ўрнак олишни, бўш вақтни ҳунар ўрганиш ва билимни оширишга сарфлашни маслаҳат берди.

**(Матбуот материаллари асосида тайёрланди).**

Бош муҳаррир
полковник
И. Қ. АБДУКАРИМОВ.

КОНТАКТНЫЕ ТЕЛЕФОНЫ:
Отдел подписки — 56-03-46.
Информация, реклама — 56-54-76.
Факс (3712) — 56-07-80.

Наш адрес: 700031, г. ТАШКЕНТ, УЛ. Д. КУНАЕВА, 21.

Ответственность за достоверность сведений в рекламе и объявлениях несет рекламодатель.
Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати.
Рег. № 00050.
Этот номер отпечатан в типографии газеты «Ватанпарвар».

Заказ № 023.

